



## КЎРСАТУВЛАРНИ ОЛДИНДАН МУСТАҲКАМЛАБ ҚЎЙИШ ИНСТИТУТИ – ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

**Муҳаммадалиев Минҳожидин Қурбонали ўғли**

ИИБ Академияси Олий таълимдан кейинги таълим факультети

таянч докторантура докторанти

minhojiddinmuhammadaliyev97@gmail.com. UDC: 343.14. ORCID:  
0009-0009-2450-774X.

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10565711>

### ARTICLE INFO

Received: 16<sup>th</sup> January 2024

Accepted: 24<sup>th</sup> January 2024

Online: 25<sup>th</sup> January 2024

### KEY WORDS

Кўрсатув, мустаҳкамлаб  
қўйиш, гувоҳ, жабрланувчи,  
фуқаровий даъвогар, ҳуқуқ,  
эркинлик, қонунчилик,  
асослар.

### ABSTRACT

Мазкур мақолада кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институти халқаро тажриба асосида таҳлил қилиш орқали ўрганилган. Шунингдек, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш процессуал ҳаракатининг далилларни баҳолашдаги ўрни юзасидан фикр-мулоҳазалар юритилиб, тавсиялар баён қилинган.

Давлатимизнинг ҳуқуқий сиёсати соҳасида юз бераётган кенг кўламли ислохотлар жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини халқаро ҳуқуқ нормаларига янада уйғунлаштиришга хизмат қилмоқда. Фикримизча, бундай жараённинг юзага келиши табиийдир. Сабаби ҳозирги интеграциялашув жараёнида иштирок этадиган давлатлар жинойи ҳуқуқ соҳасида бир-бирига ўхшаш бўлган муаммоларга дуч келадилар.

Француз олими М.Анселнинг фикрига кўра, хорижий тажриба ҳуқуқшуносларга янги ғояларни очиш, ўз давлатининг ҳуқуқ тизимини яхшироқ билиш, бошқа ҳуқуқий тизимлар билан қиёслаган ҳолда унинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш имконини беради[1].

Дунёнинг турли мамлакатларида жиноят жараёнини таснифлашнинг ўзига хос ёндашувлари мавжудлигини инобатга олиб ҳамда юқорида кўрсатилган фикрга таяниб, тадқиқот ишимизда мавжуд ҳуқуқий тизимларни ҳуқуқий оилаларга бирлаштиришга асосланган ёндашув асосида кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Биз ўзимизнинг илмий тадқиқот жараёнидаги таҳлилларимизни жиноят ишларини юритишнинг англо-саксон (АҚШ, Буюк Британия) ва романо-герман Франция, Германия, Россия ва бошқа МДХ мамлакатлари) ҳуқуқ оилалари таснифида амалга оширишга ҳаракат қилдик. С.Н.Гордеев таъкидлаганидек, хорижий давлатлар тажрибасини илмий-асосланган ҳолда таҳлил қилиш миллий тизимдаги кучли ва заиф томонларни аниқлашга ёрдам беради[2].

Агар биринчи гуруҳда Англия ва Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) бўлса, иккинчи гуруҳ эса Германия, Франция ва Россия каби дунёнинг ривожланган мамлакатлари ўрин олган. Маълумки, ушбу мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунчилиги



асрлар давомида барқарор фаолият кўрсатиб келмоқда. Қолаверса, уларнинг қонунчилиги жаҳон тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, дунёнинг бошқа мамлакатлари қонунчилиги ривожига катта таъсир кўрсатган[3].

Шунингдек, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институтини ўрганиш давомида МДХ мамлакатлари Жиноят-процессуал кодексиларига ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хорижий мамлакатларнинг қонунчилигини ўрганар эканмиз, деярли уларнинг барчасида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институти кўрсатувларни депозитга қўйиш ёки далилларни депозитга қўйиш номи билан кузатилади.

Дастлаб **Америка Қўшма Штатлари** қонунчилигини ўрганишдан бошлаймиз. АҚШнинг Федерал жиноят процессуал қоидалари 15-қоидасига кўра, томонлар гувоҳнинг кўрсатувларни судда сақлаб қўйиш бўйича талаб қилиши мумкин. Суд адолат манфаатларини кўзлаган ҳолда илтимосномани қаноатлантириши ва шу орқали гувоҳни ишдан четлатиши мумкин. Депозитни сақлаб қўйишни амалга ошириш санаси ва жойи ҳақида томонларга хабар қилинади. Агар хабарномани олувчи томон талаб қилса, суд узрли сабабларга кўра сақлаш санасини ёки жойини ўзгартириш мумкин[4].

Далилларни депозит қилиш АҚШ қонунчилигига дастлаб 1940 йилда киритилган бўлиб, 1960, 1974, 1975, 2011 ва 2012 йилларда янада такомиллашиб борди. Ҳар бир штатда депозитларни қабул қилишни тартибга солувчи ўз қонунлари мавжуд[5].

Эътиборли жиҳати шундаки, АҚШнинг Федерал жиноят-процессуал қоидаларининг 15-қоидасига кўра, АҚШдан ташқарида ҳам томонларнинг кўрсатувларини депозит қилиш орқали сақлаб қўйиш мумкин. Бунда қуйидаги ҳолатларда далилларни депозит қилиш амалга оширилади:

- гувоҳнинг кўрсатуви жиноий иш бўйича жиддий далил ҳисобланса;
- гувоҳнинг суд мажлисида иштрок эта олмаслиги эҳтимоли катта бўлса;
- агар депозитни сақлаш ҳукумат томонидан талаб қилинган бўлса;
- оғир жисмоний ва руҳий касаллик бўлиши натижасида суд мажлисида қатнаша олмайдиган бўлса;
- гувоҳнинг иштрок этишига ва кўрсатув беришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлса ва в.ҳ.

Бундан ташқари юқоридаги ҳолатларда, томонларнинг келишувига кўра ва суднинг розилиги билан депозитни олишлари ва фойдаланишлари ҳам мумкин[6].

Шунингдек, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Федерал жиноят-процессуал қонунчиликдан фарқли равишда фуқаролик ишларни кўришда ҳам далилларни депозит қилишдан фойдаланиш мумкин. Ушбу ҳолатда суд жойидан 100 мил (160.75 км) узоқликда бўлган ҳолатда кўрсатувлар депозитга олиб қўйилиши мумкин. Федерал жиноят-процессуал қонунчиликда эса, гувоҳнинг кўрсатувларини АҚШ ҳудудидан ташқарида бўлган ҳолатда ҳам депозитга олиб қўйиш амалга оширилади[7].

Юқоридагилардан кўриш мумкинки, Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигидан фарқли равишда АҚШ қонунчилигида кўрсатувларни депозитга қўйиш кенгроқ кўрсатилган бўлиб, тарафларнинг кўрсатувларини фақатгина мамлакат ҳудудидан чиқиб кетаётганда амалга оширилибгина қолмасдан, бошқа давлат



худудида бўлган шахснинг ҳам кўрсатувлари депозитга олиниши мумкин. Шунингдек, АҚШ қонунчилигида кўрсатувларни мустаҳкамлаш асослари ва кўрсатувлари депозитга қўйилаётган шахслар доираси ҳам кенг ёритилган.

**Франция Республикасининг** Жиноят-процессуал кодекси ўзига ҳос кўринишга бўлиб, 1958 йилда қабул қилинган ва 1959 йилнинг 2 март куни кучга кирган[8]. Франция Республикаси жиноят-процессуал кодексида ҳам кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институти мавжуд бўлиб, биров тор маънода кўрсатиб ўтилган. Жумладан, ЖПКнинг сўроқ қилиш ва юзлаштириш деб ном олган 5-бўлими 117-моддасига мувофиқ, тергов судьяси томонидан гувоҳнинг фавқулодда ҳолатларда гувоҳнинг ўлими хавфи остида бўлган ёки йўқолиб кетиш аломатлари мавжуд бўлган ҳолатда сўроқ қилиш қоидаларидан қатъий назар дарҳол сўроқ қилади[9].

Навбатдаги тадқиқот объекти сифатида **Германия Федератив Республикаси** жиноят-процессуал қонунчилиги ўрганилганда қуйидагилар аниқланди[10]. Германия ЖПКнинг 6-бўлими гувоҳлар деб номланган бўлиб, 58-моддасига асосан гувоҳни асосий суд мажлисида эшитиб бўлмаслиги ёки ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг ҳимояланиши нуқтаи назаридан уларнинг кўрсатувлари олдиндан сув муҳокамаси сифатида ўтказилиб, ёзиб олиниши керак.

Юқорида кўрсатилганлардан кўриш мумкинки, Франция ва Германия давлатларининг жиноят-процессуал қонунчилигида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш сўроқ қилишнинг бир тури сифатида умумий тартибда кўрсатиб берилган. Бу эса бизга бошқа хорижий давлатларнинг ушбу институтга оид қонунчилигини ўрганишга ундайди.

**Украина Республикасининг** ЖПКда ҳам кўрсатувларни депозитга қўйиш институти мавжуд бўлиб, ушбу институт қонунчиликка 2012 йилнинг апрель ойида киритилган[11].

Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институти Украина Республикаси ЖПКнинг 225-моддасида акс этган бўлиб, судгача бўлган иш юритиш жараёнида суд мажлисида сўроқ қилиш деб номланган. Гувоҳ ва жабрланувчиларни кўрсатувларини мустаҳкамлаш тергов судьяси томонидан уларнинг оғир касаллиги ёки уларга нисбатан ҳаёти ва соғлиғи учун хавф мавжуд бўлганда суд мажлисида сўроқ қилиш орқали амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бошқа аксарият мамлакатларнинг қонунчилигидан фарқли равишда Украина ЖПКнинг 225-моддаси 1-бандига мувофиқ, гувоҳ ва жабрланувчидан ташқари ваколатли орган қарори билан асрга олинган шахсни ҳам кўрсатувларини мустаҳкамлаб қўйиш мумкин[12].

Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш гувоҳ ва жабрланувчини ҳаёти ва соғлиғи учун хавф мавжуд бўлганда, оғир касаллиги туфайли ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар каби асослар мавжуд бўлса, тергов судьяси томонидан сўроқ қилиш ўтказилиши белгиланган[13]. Бундан ташқари Украина қонунчилигига асосан оғир аҳволдаги беморни кўрсатувларини мустаҳкамлаш учун сўроқ қилиш сайёр суд мажлиси тартибда ҳам ўтказилиши мумкин.

Украина ЖПКда кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ шахс билан ҳам ўтказилиши мумкин бўлиб, ушбу институт айрим



саволларга жавоб бермайди, хусусан: мазкур институтни кўриб чиқиш тартиби ва натижаси асосида қабул қилинадиган қарор ҳақида; сўроқ қилишни амалга оширишда тергов судьясининг ҳаракатлари ҳақида; бир вақтнинг ўзида сўроқ қилиниши мумкин бўлган субъектлар доираси ва х.к[14]. Шунингдек, гувоҳ ва жабрланувчи мурожаат қилган вақтда қанча муддатда уларнинг мурожаатини кўриб чиқиш ва кўрсатувларни мустаҳкамлаш кўрсатиб ўтилмаган.

Юқоридагиларга кўра, Украина қонунчилигини миллий ва бошқа давлатларнинг қонунчилиги билан солиштирганда, қуйидаги фарқли жихатларини кўришимиз мумкин:

- гувоҳ ва жабрланувчидан ташқари ваколатли орган қарори билан ҳарбий асрликка олинган шахсни ҳам кўрсатувларини мустаҳкамлаб қўйиш мумкин;
- оғир бемор бўлган гувоҳ ва жабрланувчини касал бўлган жойда суд мажлиси ўтказиш орқали сўроқ қилиш мумкин;
- бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ бўлган гувоҳ ва жабрланувчини тергов судьяси томонидан сўроқ қилиш мумкин.

Европанинг бошқа бир неча давлатлари орасида яъни **Молдова**[15], **Литва**[16], **Эстония**[17] ва **Грузия**[18] давлатларида ҳам кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш мавжуд бўлиб, аксарият ҳолатларда тергов судьяси томонидан сўроқ қилиш орқали амалга оширилиши белгиланган. Улар жиноят-процессуал қонунчилигда кўрсатувларни мустаҳкамлаш алоҳида нормаларда акс этмаган бўлса-да, гувоҳни сўроқ қилиш тартибида ўз ифодасини топган.

Молдова жиноят-процессуал кодексининг 109-моддаси 3-бандига мувофиқ, агар гувоҳ чет элга чиқиб кетиши мумкинлиги, унга нисбатан аниқ хавфнинг мавжудлиги ёки унинг судда иштрок этишини истисно қиладиган бошқа ҳолатларнинг мавжудлиги сабабли томонларнинг илтимосномасига асосан суд томонидан сўроқ қилиниши мумкин[19]. Шунингдек, гувоҳга сўроқ қилиш жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси, жабрланувчи, прокурор томонидан саволлар бериш имкониятини яратиб бериш лозим.

Грузия жиноят-процессуал кодексининг 114-моддаси шахсни тергов жараёнида гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш деб номланган бўлиб, ушбу модданинг 1-бандига асосан кўрсатувларни мустаҳкамлаш қуйидаги асосларга кўра амалга оширилади:

- 1) гувоҳ соғлиғининг оғир даражада ёмонлашуви ёки унинг ўлими хавфи мавжудлиги уни судда сўроқ қилишга халақит бериши мумкин бўлса;
- 2) узоқ муддатга Грузия давлатини тарк этиши мумкин бўлса;
- 3) махсус ҳимоя чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлса[20].

Эътиборли жихати шундаки, Грузия қонунчилигида айбланувчи ёки ҳимоячининг илтимосномасига биноан гувоҳнинг кўрсатувларини мустаҳкамлаб қўйиш судья-магистрат томонидан амалга оширилади. Ушбу ҳолатда сўроқ қилиш судда ёки гувоҳнинг яшаш жойида ҳам ўтказилиши мумкин.

Молдова ва Грузия қонунчилигидаги кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлашнинг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқиб, қуйидаги фойдали жиҳатлари мавжудлиги ҳақида хулосага келамиз:



— гувоҳнинг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш судда ва унинг яшаш жойида ҳам ўтказилиш мумкин. Бу эса гувоҳнинг ҳуқуқларини янада ҳимоя қилинишини таъминлайди.

— тергов судьяси ёки судья-магистрат томонидан гувоҳнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин. Ушбу ҳолат айниқса, оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларда гувоҳнинг хавфсизлигини таъминлашда кўмаклашади.

Юқоридагиларни инobatга олиб, Молдова ва Грузия давлатларининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда гувоҳнинг кўрсатувларини мустаҳкамлаб қўйиш у яшаётган жойда ҳам амалга оширилиши тартибини миллий қонунчилигимизга жорий қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Ҳозирги кунда кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институти бир неча мамлакатларнинг қонунчилигида акс этган бўлиб, ушбу институтни жорий этиш зарурлигини Рус ва Беларус процессуалистлари ҳам қайд этишмоқда[21]. Бундан ташқари МДХ давлатлари орасида ҳам мазкур институт бир неча йиллар олдин жорий этилган бўлиб, аста-секинлик билан такомиллашиб бормоқда.

2014 йилда **Қозоғистон Республикаси** жиноят-процессуал кодексининг янги таҳрири қабул қилинмасидан олдин суд жараёнида гувоҳ ва жабрланувчиларни турли ҳил узурли сабабларга кўра суд муҳокамасига таъминлаш билан боғлиқ муаммолар вужудга кела бошлади. Айниқса, жиноят процесси иштрокчиси бўлган гувоҳнинг маълум сабабларга кўра чет эл мамлакатларига чиқиб кетиши ёки соғлиғининг оғир ҳолати каби ҳолатларда уларни суд мажлисига мажбурлаш ҳолатлари кузатила бошлади. Шундан сўнг, ушбу муаммоларни ҳал қилиш ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишини олдини олиш мақсадида 2014 йилда жиноят-процессуал қонунчиликка кўрсатувларни депозитга қўйиш институти орқали эришилди[22].

Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институти Қозоғистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига 217-моддасида тартибга солинган бўлиб, гувоҳ ва жабрланувчиларни кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш бошқа аксарият мамлакатларининг қонунчилиги сингари тергов судьяси томонидан амалга оширилади[23].

Қозоғистон Республикаси қонунчилигида гувоҳ ва жабрланувчиларни кўрсатувларини депозитга қўйиш асослари миллий қонунчилигимизда кўрсатилган кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш асосларига қараганда кенгроқ ёритилган бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) Қозоғистон Республикасидан ташқарида доимий яшаш жойи мавжудлиги;
- 2) маълум сабабларга кўра мамлакат ҳудудидан ташқарига чиқиб кетиш мумкин бўлганда;
- 3) хавфсизлигини таъминлаш мақсадида;
- 4) оғир касаллик мавжуд бўлганда;
- 5) вояга етмаган шахсларга нисбатан руҳий шикастланишларни олдини олиш мақсадида[24].

Назаримизда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПК бўйича мазкур тартиб Қозоғистон Республикаси қонунчилигидаги ҳолатга нисбатан



қониқарсизроқдир. Сабаби амалдаги қонунчилигимизда кўрсатувларни мустаҳкамлаб қўйиш асослари тор доирада кўрсатилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Қозоғистон Республикаси қонунчилигида кўрсатувларни депозитга қўйиш вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчиларга нисбатан руҳий шикастланишларни олдини олиш асоси алоҳида тартибда кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари фақатгина вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчиларни кўрсатувларини олдиндан депозитга қўйиш асоси бўйича мурожаат қилинганда тергов судьяси томонидан рад қилиниши мумкин эмаслиги вояга етмаган шахсларни ҳуқуқларини янада ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Шунингдек, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 217-моддаси 2-бандига мувофиқ, гувоҳ ва жабрланувчиларни кўрсатувларини депозитга қўйиш бўйича илтимоснома билан тўғридан-тўғри тергов судьясига мурожаат қилади ҳамда тергов судьяси илтимосномани йигирма тўрт соат ичида кўриб чиқади[25]. Бу эса ушбу институтни амалга оширишда қўшимча оврагарчиликларни олдини олиш билан бирга, қисқа муддатда ўтказилишини ҳам таъминлайди.

Кўрсатувларни олдиндан депозитга қўйиш тергов судьяси томонидан суд муҳокамаси ва сўроқ қилиш қоидаларига кўра амалга оширилади. Жараён якуни бўйича тергов судьяси ва суд мажлиси котиби томонидан баённома имзоланиб, тегишли ҳужжатлар дастлабки тергов олиб бораётган маъсул шахсга юборилади.

Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш процессуал ҳаракати бўйича Қозоғистон Республикаси қонунчилиги билан Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини солиштирадиган бўлсак, қуйидаги фойдали жиҳатлари мавжудлиги ҳақида хулосага келамиз:

- гувоҳ ва жабрланувчиларни хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўтказилиши асосининг мавжудлиги;
- вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчиларга нисбатан руҳий шикастланишларни олдини олиш мақсадида ўтказилиши асосининг мавжудлиги;
- кўрсатувларни депозитга қўйиш бўйича тўғридан-тўғри тергов судьясига мурожаат қилиниши ва кўрсатувларни депозитга қўйиш (мустаҳкамлаш) айнан тергов судьяси томонидан амалга оширилиши;
- кўрсатувларни мустаҳкамлаб қўйиш бўйича мурожаат қилингандан кейин тергов судьяси томонидан йигирма тўрт соат ичида кўриб чиқилиши.

**Қирғизистон Республикаси** янги таҳрирдаги ЖПК 2019 йилнинг 1 январь кунидан кучга кирган бўлиб, унда халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ бўлган янги институтлар намоён бўлди. Буларнинг орасида кўрсатувларни депозитга қўйиш институти алоҳида эътиборга лойиқдир[26].

Қирғизистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида мавжуд бўлган кўрсатувларни депозитга қўйиш процессуал ҳаракати бизнинг қонунчиликдаги кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институти билан кўп жиҳатлари билан ўхшаб кетади. Қирғизистон ЖПКнинг 5-моддасида эллик еттита асосий ҳуқуқий атамалар кўрсатилган. Ушбу модданинг 7-бандига кўра, гувоҳ ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини сақлашга топшириш – судга қадар иш юритиш жараёнида тарафларнинг илтимосномасига асосан гувоҳ ва жабрланувчиларни кейинчалик суд



жараёнида объектив сабабларга кўра сўроқ қилиш мумкин бўлмай қолиши мумкинлиги ёки уларни хавфсизлигини таъминлаш мақсадида суд томонидан сўроқ қилиниши эканлиги назарда тутилган[27].

Шунингдек, кўрсатувларни депозитга қўйиш процессуал ҳаракати Қирғизистон ЖПКнинг 198–201-моддаларини ўз ичига олган алоҳида 26-бобда ўз ифодасини топган. Шунини алоҳида айтиш жоизки, бошқа аксарият мамлакатларнинг қонунчилигида кўрсатувларни депозитга қўйиш институти бизнинг миллий қонунчилигимиз сингари алоҳида бобда кўрсатилмаган.

Мазкур 26-бобда кўрсатувларни депозитга қўйиш учун асослар, тергов судьяси томонидан кўрсатувларни депозитга қўйиш бўйича илтимосномани кўриб чиқиш тартиби, гувоҳ ва жабрланувчиларни суд мажлисида сўроқ қилиш тартиби, кўрсатувларни депозитга қўйиш оқибатлари белгилаб қўйилган[28].

Қирғизистон ЖПКнинг 198-моддасига мувофиқ тергов судьяси томонидан гувоҳ ва жабрланувчини кўрсатувларини депозитга қўйиш қуйидаги тўртта асосга кўра амалга оширилади:

- гувоҳ ва жабрланувчини хавфсизлигини таъминлаш мақсадида;
- кейинчалик ишда қатнашишни истисно қиладиган оғир касаллик мавжуд бўлганда;
- Қирғизистон Республикаси ҳудудидан ташқари доимий яшаш жойи мавжудлиги;
- маълум сабабларга кўра, мамлакат ҳудудидан ташқарига чиқиб кетиши эҳтимоли бўлганда[29].

Тергов судьяси кўрсатувларни депозитга қўйиш бўйича илтимоснома келиб тушган вақтдан бошлаб уч кун ичида ишни кўриб чиқади ва натижаларига кўра ишни кўриш ёки кўриб чиқишни рад қилиш ҳақида қарор чиқаради. Агарда илтимосномани қаноатлантирган тақдирда, тергов судьяси уч кун ичида кўрсатувлари депозитга қўйилиши керак бўлган процесс иштрокчиси билан сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказди[30].

Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчилигимиздан фарқли равишда Қирғизистон Республикаси ЖПКнинг 201-моддасига кўра, кўрсатувлари мустаҳкамланган гувоҳ ва жабрланувчиларни кейинчалик суд мажлисида ишни кўриб чиқиш жараёнида моҳиятан такроран сўроқ қилишини шарт эмаслиги ҳақида қоида кўрсатиб ўтилган. Бироқ гувоҳ ва жабрланувчиларни кўрсатувларига аниқлик киритиш ёки аниқланмаган янги ҳолатлар мавжуд бўлганда тақдирда уларни такроран сўроқ қилиниши мумкин эканлиги белгиланган[31].

Бунда шу орқали кўрсатувлари мустаҳкамланган гувоҳ ва жабрланувчиларни кейинчалик суд мажлисида ишни кўриб чиқиш жараёнида моҳиятан такроран сўроқ қилинишини шарт эмаслиги ҳақида қоида суд муҳокамаси уларнинг кўрсатувларини далиллик хусусиятини намоён қилиши сифатида эътироф этиш мумкин.

Қирғизистон Республикаси ЖПКда мавжуд бўлган кўрсатувларни депозитга қўйиш институти билан амалдаги Ўзбекистон Республикасининг ЖПКда мавжуд бўлган кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институтини солиштирадиган бўлсак, уларнинг қонунчилигида қуйидаги фарқли жиҳатларни кўришимиз мумкин:

- гувоҳ ва жабрланувчиларни хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўтказилиши асосининг мавжудлиги;



— кўрсатувларни депозитга қўйиш бўйича тўғридан-тўғри тергов судьясига мурожаат қилиниши ва кўрсатувларни депозитга қўйиш (мустаҳкамлаш) айнан тергов судьяси томонидан амалга оширилиши;

— кўрсатувларни мустаҳкамлаб қўйиш бўйича мурожаат қилингандан кейин тергов судьяси томонидан уч кун ичида кўриб чиқилиши, шунингдек агар илтимосномани қаноатлантирган тақдирда яна уч кун ичида сўроқ қилишни амалга оширилиши.

*Юқорида ўрганиб чиқилган хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасини ўрганиш давомида олинган хулосалардан келиб чиқиб қуйидагилар тавсия этилади:*

1. Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Япония, Грузия, Молдова, Литва ва Эстония давлатлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда гувоҳ, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлашда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида ўтказилиши асосини жорий қилиш.

2. Хорижий давлатларнинг деярли барчасида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш процессуал ҳаракати тергов судьяси томонидан амалга оширилишини инобатга олиб, тергов судьяси лавозимини жорий қилиш масаласини кўриб чиқиш лозим. Шунга асосан гувоҳ, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи ва уларнинг вакиллари томонидан кўрсатувларни мустаҳкамлаш бўйича тўғридан-тўғри тергов судьясига мурожаат қилишини назарда тутиш.

3. Қирғиз, Украина, Молдова ва Грузия давлатлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда гувоҳ ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини мустаҳкамлаш жараёни суд мажлисида олиб борилишидан ташқари ўша кўрсатувлари мустаҳкамланаётган процес иштрокчисини касал бўлган жойда ҳам ўтказилиши тартибини жорий қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки оғир турдаги касаллик билан оғриган беморларни суд мажлисига таъминлашни иложи йўқ бўлиши мумкин.

4. Украина давлатининг қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда кўрсатувларни мустаҳкамлаб қўйиш жараёнида сўроқ қилишдан ташқари процесс иштрокчиларининг кўрсатувлари ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф қилиш мақсадида юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш мумкинлиги ҳақида тартибни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

Хулоса ўринда шуни айтиш мумкинки, хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институтини тартибга солиш билан бирга, процесс иштрокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминланиши, шунингдек, исботлаш жараёни ҳолисона кўриб чиқилишига ёрдам беради.

## References:

1. Юлдашев Дж.Х. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш: Юрид. фан. д-ри (DSc) дисс. - Т., 2022. - Б. 130.
2. Гордеев С.Н. Организация розыскной работы правоохранительных органов (зарубежный опыт) // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2016. № 3. С. 141.



3. Ботаев М.Дж. Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дис. - Т., 2020. - Б. 93.
4. Rule 15. Depositions. (Электрон манбага мурожаат этилган сана 09.10.2023) <https://www.dccourts.gov/sites/default/files/2017-05/Criminal%20Rule%2015.%20Depositions.pdf>
5. [https://en.wikipedia.org/wiki/Deposition\\_\(law\)](https://en.wikipedia.org/wiki/Deposition_(law)) Depositions: (Электрон манбага мурожаат этилган сана: 09.10.2023 йил)
6. Depositions: Federal Rules of Criminal Procedure, rule 15. [https://www.law.cornell.edu/rules/frcrmp/rule\\_15](https://www.law.cornell.edu/rules/frcrmp/rule_15) (Электрон манбага мурожаат этилган сана: 09.10.2023)
7. Depositions: Federal Rules of Criminal Procedure, rule 15. [https://www.law.cornell.edu/rules/frcrmp/rule\\_15](https://www.law.cornell.edu/rules/frcrmp/rule_15) (Электрон манбага мурожаат этилган сана: 09.10.2023)
8. Ботаев М.Дж. Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дис. автореф. — Т., 2020. — Б. 93.
9. Code de procédure pénale (France) (Франция Жиноят-процессуал кодекси, француз тилида) // URL: <https://www.legifrance.gouv.fr/codes/id/LEGITEXT000006071154/> (Мурожаат этилган сана: 10.01.2023).
10. Strafprozeßordnung (Германия Жиноят-процессуал кодекси) // URL: <https://dejure.org/gesetze/StPO> (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 14.10.2023).
11. Гловюк И.В. Депонирование показаний по УПК Украины и УПК Республики Казахстан. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Алмата: 2016 й. 107. Б.
12. Уголовный процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 21.03.2023 г.). [Электронный ресурс]. Режим доступа: [https://continent-online.com/Document/?doc\\_id=31197178](https://continent-online.com/Document/?doc_id=31197178) / (Бесплатная онлайн-законодательная база данных) (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 12.07.2023).
13. Уголовный процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 21.03.2023 г.). [Электронный ресурс]. Режим доступа: [https://continent-online.com/Document/?doc\\_id=31197178](https://continent-online.com/Document/?doc_id=31197178) / (Бесплатная онлайн-законодательная база данных) (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 12.07.2023).
14. Гловюк И.В., Ирина Васильевна. Особенности депонирования показаний по УПК Украины 2012 года. Уголовный процесс как средство обеспечения прав человека в правовом государстве : материалы Международной научно-практической конференции, Минск: 2017 г. С. 166.
15. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года (По состоянию на 31.07.2023) [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ) / (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 22.10.2023).
16. Уголовный процессуальный кодекс Литовская Республики от 23 декабря 2010 года [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://e->



- [seimas.lrs.lt/portal/legalAct/lt/TAD/TAIS.163482/asr](https://seimas.lrs.lt/portal/legalAct/lt/TAD/TAIS.163482/asr) Бесплатная онлайн-вазонаконодательная база данных) / (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 12.09.2023).
17. Уголовно-процессуальный кодекс Эстонии от 08 марта 2014 года [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/1291> (Бесплатная онлайн-вазонаконодательная база данных) / (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 12.07.2023).
18. Уголовный процессуальный кодекс Грузии от 09 октября 2009 года (По состоянию на 21.09.2023) [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/90034?publication=157> Бесплатная онлайн-вазонаконодательная база данных) / (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 21.10.2023).
19. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года (По состоянию на 31.07.2023) Режим доступа: [https://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30397729#pos=2384;-51](https://continent-online.com/Document/?doc_id=30397729#pos=2384;-51) / (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 22.10.2023).
20. Уголовный процессуальный кодекс Грузии от 09 октября 2009 года (По состоянию на 21.09.2023) Режим доступа: <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/90034?publication=157> Бесплатная онлайн-вазонаконодательная база данных) / (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 21.10.2023).
21. Гамбарян А.С. Судебное депонирование показаний: старый процессуальный институт под новым названием. Судебная власть и уголовный процесс·2018·№ 2. С. 184.
22. Ахпанов. А.Н. Депонирование показаний потерпевшего и свидетеля в уголовном процессе республики Казахстан. Вестник Омского университета. Серия «Право». 2015. № 4 (45). С. 173.
23. Утанов М. Депонирование показаний следственным судьей. Вестник Академии юстиции 2019. №2. С. 71-73.
24. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 01.07.2023 г.). [Электронный ресурс]. Режим доступа: [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=31575852](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575852) (Бесплатная онлайн-вазонаконодательная база данных) / (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 12.10.2023).
25. Ахпанов. А.Н. Депонирование показаний потерпевшего и свидетеля в уголовном процессе республики Казахстан. Вестник Омского университета. Серия «Право». 2015. № 4 (45). С. 173.
26. Атамкулова Е.Т., Оролбаев М.П., Есенов У.А., Есенкулов Ш.А. Депонирование показаний как одна из новелл уголовно-процессуального законодательства Кыргызской Республики. International scientific journal. Theoretical & Applied Science. № 2. USA. 2018. С 114-115.
27. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2017 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 22.07.2021 г.). [Электронный



ресурс]. Режим доступа: [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=36313326&pos=5;-88#pos=5;-88](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=36313326&pos=5;-88#pos=5;-88) (Бесплатная онлайн-законодательная база данных) / (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 13.10.2023).

28. Шестакова С.Д., Иманалиева У.Э. Депонирование показаний потерпевшего и свидетеля в уголовном процессе Кыргызской Республики. Вестник. Санкт-Петербургского университета МВД России № 1 (93) 2022. С. 177.

29. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2017 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 22.07.2021 г.). [Электронный ресурс]. Режим доступа: [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=36313326&pos=5;-88#pos=5;-88](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=36313326&pos=5;-88#pos=5;-88) (Бесплатная онлайн-законодательная база данных) / (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 13.10.2023).

30. Темирбекова А.А. Судебное депонирование показаний в современном уголовном процессе. Legal Science. International journal of experimental education № 6, 2019. С. 73.

31. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2017 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 22.07.2021 г.). [Электронный ресурс]. Режим доступа: [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=36313326&pos=5;-88#pos=5;-88](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=36313326&pos=5;-88#pos=5;-88) (Бесплатная онлайн-законодательная база данных) / (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 13.10.2023).